

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
4-iyul

SHANBA

№ 54 (13915)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

ИККИНЧИ ЧОРАК ЯКУНЛАРИ
МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ▼ **Ҳокимлик соати**

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида навбатдаги “Ҳокимлик соати” ўтказилди.

Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳамда устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Хусусан, иқтисодий таҳлил асосида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш,

хизматлар соҳалари, эркин иқтисодий зоналар фаолиятида эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар масъулларга кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вилоятга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда экспорт кўрсаткичларининг ижроси



кўриб чиқилди. Бу борада инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, экспорт ҳажминини ошириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 майдаги тегишли қарорига мувофиқ, вилоятнинг 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга

қаратилган қўшимча чора-тадбирларнинг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Яқунда соҳалар ва ҳудудлар кесимида масъул раҳбарларга йиғилишда тилга олинган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, Президент қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётига доир қатор масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

▼ **Мулоқот**

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раҳбарлигида шаҳар ва туман ҳокимларининг рақамлаштириш ва сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича маслаҳатчилари иштирокида кенгайтирилган учрашув ўтказилди.

РАҚАМЛАШТИРИШ —
ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ

“Cyber” университетиди ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари томонидан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, давлат бошқарувида замонавий ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект ечимларини кенг жорий этиш, барча соҳаларда самарадорликни ошириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугун рақамлаштириш давлат хизматлари сифатини юксалтириш билан бирга бошқарув тизимининг очкилиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминловчи муҳим омилга айланмоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш таҳлилий қарорлар қабул қилиш, мурожаатлар билан ишлаш, кадрлар салоҳиятини баҳолаш, ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантиришда янги имкониятларни очмоқда.

Учрашув давомида вилоятда босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган “Green City”, “Рақамли элчилар”, “Kadr AI”, “Электрон ҳокимият”, “Turist24”, “AgroPiskent” каби ўндан ортиқ инновацион лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Лойиҳалар доирасида экологик мониторингни рақамлаштириш, давлат хизматларини ягона электрон платформалар орқали кўрсатиш, сунъий интеллект ёрдамида кадрлар бошқаруви

рувини такомиллаштириш, фуқаролар билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда маълумотларга асосланган бошқарув тизимини шакллантириш каби устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими ҳар бир шаҳар ва тумандаги рақамлаштириш бўйича маслаҳатчилар мазкур ислотларнинг ташаббускори ва амалий ижроси бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳа ҳудудларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда амалий натижа бериши, аҳоли учун қўшимча қўлайликлар яратиши ҳамда бошқарув самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида шаҳар ва туманларда рақамли трансформация жараёнини жадаллаштириш, сунъий интеллект технологияларини давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал ҳўжалик ҳамда бошқа устувор тармоқларга кенг жорий этиш юзасидан масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Саҳобиддин РУСТАМОВ
олган сурат

Viloyat bo'y lab

NURAFSHON shahrida “og’ir” toifadagi mahallalarni obod qilish dasturi doirasida infratuzilmani yaxshilash ishlari izchil davom etmoqda. Xususan, “Qumariq” mahallasida umumiy uzunligi 2 kilometr bo’lgan ichki ko’chalar asfaltlanmoqda. Shuningdek, mahallaning kirish qismiga hudud nomi aks ettirilgan zamonaviy arka o’rnatildi. Bundan tashqari, hududda quyosh panellari o’rnatish, bolalar va yoshlar uchun zamonaviy workout maydonchalari barpo etish hamda elektr tarmoqlarini yangilash ham rejalashtirilgan.

PISKENT tumanining “Yangibod” mahallasida Toshkent viloyati hokimi o’rinbosari, Oila va xotin-qizlar boshqarmasi boshlig’i Nilufar Normirzayeva ishtirokida xotin-qizlar hamda mustaqil hayot ostonasida turgan yoshlar bilan ochiq muloqot tashkil etildi. Unda yoshlar tomonidan bandlik, tadbirkorlik, ta’lim, imtiyozli kreditlar, kasb-hunar o’rganish hamda ijtimoiy qo’llab-quvvatlash masalalari yuzasidan murojaatlar bo’ldi. Uchrashuvda yoshlarning muammo va takliflari tinglanib, ularni qiyinayotgan masalalarga yechim izlandi.

YANGIYO’L shahrida jamoat transporti tizimini yanada takomillashtirish maqsadida bir qator ishlar amalga oshirilmogda. Xususan, “Bahor” mahallasida joylashgan “Nov” sanatoriyidan Yangiyo’l tumanining “Shodlik” mahallasi yo’nalishida 10 ta zamonaviy avtobus qatnovi yo’lga qo’yildi. Barcha qulayliklarga ega bo’lgan yangi avtobuslar aholiga sifatli, xavfsiz va zamonaviy transport xizmatlarini ko’rsatadi.

ZANGIOTA tumanining “Quyoshli”, “Tariq-teshar”, “Qurilish” va “Turkiston” mahallalari aholisi, xususan, nuroniyalar hamda yoshlar poytaxtimizdagi Temuriylar tarixi davlat muzeyiga ekskursiyaga olib borildi. O’zbekiston Mahallalari uyushmasi tuman bo’limi hamda mahalla fuqarolar yig’inlari hamkorligida tashkil etilgan ushbu sayohat ishtirokchilarga manzur bo’ldi. Muzey eksponatlari orqali ular buyuk ajdodlarimizning boy tarixiy merosi, davlat boshqaruvi, ilm-fan va madaniyat taraqqiyotiga qo’shgan hissalar bilan yaqindan tanishishdi.

CHINOZ tumanidagi “Nafis” mahallasi yoshlar yetakchisi Azimaxon G’aniyeva bitiruvchi qizlardan biri – Sarvinov Safarjonova xonadonida bo’lib, uning qiziqishlarini o’rgandi. Natijada Sarvinov “Qizlar akademiyasi” mobil ilovasiga a’zo qilinib, bepul ta’limga jalb etildi. Shuningdek, uning yozgi ta’ilda uy hamshirasi yo’nalishida saboq olishi ham tashkil etildi.

▼ **Мактабгача таълим**

Юқори Чирчиқ туманининг “Қизилсой” маҳалласида аҳоли учун яна бир муҳим ижтимоий объект – 120 ўринли замонавий 18-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

“Қизилсой” лик
болаларга тухфа

Очилиш маросимида туман ҳокими Ускенбай Атемов, туман прокурори, ички ишлар бўлими, солиқ инспекцияси раҳбарлари, маҳалла нуронийлари, фаоллари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

4



Таътил фақат дам олиш дегани эмас

Ёзнинг илк оии ҳам ортда қолди. Мактаб ўқувчилари интиқлик билан кутган ёзги таътил эса мазмунли ва қизиқарли машғулотлар билан давом этмоқда. Тошкент вилоятида болаларнинг соғлом дам олиши, бўш вақтини самарали ташкил этиш, улларнинг билим ва иқтидорини янада ривожлантириш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳлари ҳамда таълим муассасалари ҳузуридаги кундузги соғломлаштириш майдончалари фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 4-саҳифада) ►

Ёз – 2026

▼ Нишондорларимиз

Инсоннинг камолоти ёши билан эмас, балки эзгу мақсадлари ва амалга оширган ишлари билан баҳоланади. Орамизда шундай ёшлар борки, уларнинг ҳар бир ютуғи нафақат шахсий муваффақият, балки юрт шаъни ва миллат гурурига айланмоқда. Улар халқаро майдонларда Ватан байроғини баланд кўтариб, илм-фан, спорт ва соҳаларида эришган натижалари билан Янги Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини намоён этмоқда. Айниқса, бундай ёшлар сафида қизларимизнинг муносиб ўрин эгаллаётгани мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу ислохотлар самарасининг ёрқин ифодасидир. Қибрайлик Лобархон Хўжамбердиева ҳам улардан бири.

Лобархон болалигиданоқ ўз олдига катта мақсадлар қўйди. У мусиқага бўлган меҳрини билим билан мустаҳкамлаб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида флейта ва фагот чолғулари йўналишида тахсил олди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жамоат хавфсизлиги университетиде ўқиш билан бирга спорт ва санъатда ҳам яхши натижаларга эришмоқда.

Албатта, бу муваффақиятлар ортида катта меҳнат ва интизом мужассам. У спортнинг анъанавий каратэ-до тури билан шуғулланиб, мамлакатимизда ўтказилган мусобақалар ва нуфузли турнирларда бир неча бор чемпион ва совриндор бўлди. Айниқса, халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Хусусан, Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионати, Мисрнинг Қоҳира шаҳрида ташкил этилган халқаро мусобақа, Россиянинг Сочи шаҳридаги очик турнир, Бразилиянинг Куритиба шаҳрида ўтказилган 20-жаҳон чемпионати ҳамда Америка Қўшма Штатларининг Майами шаҳридаги жаҳон чемпионатида совринли ўринларни қўлга киритди. Жумладан, 2023 йилда мамлакатимизда илк бор ўтказилган ИТКФ каратэ-до бўйича Жаҳон кубогига чемпионлиқни қўлга киритгани унинг спортдаги энг йирик ғалабаларидан бири бўлди.

Унинг ютуқлари эътироф этилиб, 2023 йилда «Ўзбекистон Республикаси спорт устаси» фахрий унвонига муносиб қўрилди.

Лобархон мусиқа соҳасида ҳам ўз маҳоратини намоён этиб келмоқда. У флейта, фагот ва дутор чолғуларидаги ижроси билан республика ва халқаро танловларда муваффақиятли қатнашди. Жумладан, 2021 йилда Москва шаҳрида ўтказилган «Талант шоу» халқаро кўрик-танловида ғолиблиқни қўлга киритди. Шунингдек, Қори Ёкубов номидаги республика кўрик-танловида

ҳам юқори натижаларга эришиб, миллий мусиқа санъатини муносиб тарғиб қилди.

Аммо спорт ва санъатда ютуқларга эришдим, деб ўқишни ташлаб қўйгани йўқ. Университетда ҳам ўзининг намунавий хулқи, билимга чанқоқлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги

билан тақдирланди. Бу мукофот унинг спорт, санъат ва таълим йўналишларидаги ютуқларининг муносиб баҳосидир.

— Бугун Лобархон каби билимли, серқирра ёшлар Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий бунёдкорлари сифатида эл-юртимиз ишончини оқлашмоқда, — дейди Қибрай ту-

Қибрайнинг лобар қизи



билан устозлари ва тенгдошлари хурматини қозongan.

Маълумки, мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, меҳнатлари муносиб рағбатлантиришга қаратилган уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Лобархон Хўжамбердиева ҳам кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ «Келажак бунёдкори» медали

манидаги «Қўприкбоши» маҳалласи раиси Дилафрўз Камолова. — Унинг «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирлангани нафақат оиласи, балки бутун маҳалламиз аҳлининг гурурига айланди. Биз Лобархонни болалигидан одобли, интизомли, меҳнатсевар, катталарни эъзозлайдиган, кичикларга меҳрибон қиз сифатида яхши биламиз. У қайси соҳага қўл урмасин, уни

пухта ўрганишга, энг юқори натижага эришишга интилади.

Баъзан ҳаётда айрим инсонлар қиз фарзанд дунёга келганидан кўнгли тўлмай, «мендан ном қолмайди», дея афсусланиб юришади. Аслида эса фарзанднинг қадри унинг қиз ёки ўғиллиги билан эмас, балки тарбияси, билими, меҳнати ва Ватанга келтирадиган нафи билан ўлчанади. Лобархон ана шу ҳақиқатнинг ёрқин исботидир. У спортда чемпион, илмда пешқадам бўлди, мусиқа йўналишида ютуқларга эришди, халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бундай фарзанд ҳар қандай оила, ҳар қандай юртининг фахридир.

Энг муҳими, Лобархон эришган муваффақиятлари билан юзлаб қизларга «Мен ҳам шундай бўла оламан!», деган ишонч бермоқда. Зеро, бугунги кунда қизларимизнинг орзу қилиш, билим олиш, касб эгаллаш ва юксак марраларни забт этиши учун мамлакатимизда барча имкониятлар яратилмоқда. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар Янги Ўзбекистоннинг энг мустаҳкам таянчи бўладилар.

Лобархон Хўжамбердиеванинг ютуқлари бир ҳақиқатни исботлайди: истеъдод меҳнат билан қўшилса, орзулар, албатта, рўёбга чиқади. Демак, билимли, ватанпарвар қизларимиз сафи кўпаяверса, мамлакатимизнинг эртанги кунни янада порлоқ бўлади.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири

▼ Очик мулоқот

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ—ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА



Бекобод туманида Тошкент давлат аграр университети вакиллари иштирокида битирувчи ёшлар билан очик мулоқот ташкил этилди.

Мазкур учрашув ёшларнинг олий таълимга қизиқишини ошириш, уларга мавжуд имкониятларни кенг тарғиб этиш ҳамда касб танлашда амалий қўмак беришга хизмат қилди.

Тадбирда туман ҳокими Зайнилобиддин Нисомиддинов, университет ректори, профессор Нарзулло Обломуродов бошчилигидаги профессор-ўқитувчилар жамоаси ҳамда абитуриент ёшлар иштирок этишди.



Мулоқот давомида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва замонавий касб-хунар эгаллаши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Шу асосда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Хусусан, аграр университетда яратилган замонавий таълим муҳити, бакалаврият ва магистратура йўналишлари, давлат грантлари ва стипендиялар, халқаро ҳамкорлик дастурлари, ишлаб чиқариш амалиёти ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, Бекобод туманида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари, мавжуд имтиёзлар ҳамда яратилган шарт-шароитлар тушунтирилди.

Очик ва самимий руҳда ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар, таълим жараёни ҳамда келгусидаги касбий фаолиятга оид фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

▼ Назорат

Мақсад — шаффоф бошқарувга эришиш

Қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир ислохот, аввало, адолатли ва шаффоф бошқарувга таянади. Зеро, мазкур соҳа нафақат иқтисодийнинг таянч тармоғи, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминловчи муҳим йўналишидир.

Айниқса, юртимизнинг аграр марказларидан бўлган Тошкент вилоятида ер, техника ва давлат томонидан яратилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиш устидан самарали назоратни таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай ислохотнинг самарадорлигига путур етказадиган энг хавфли омиллардан бири коррупциядир. Назорат жараёнларида шаффофлик бўлмаса, давлатнинг қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам қуттилган натижани бермайди. Шу боис бугун Агроинспекциянинг Тошкент вилояти бошқармасида коррупциянинг олдини олиш ва ҳалоллик тамойилларини қарор топтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Маълумки, коррупциянинг энг кўп учрайдиган кўрinishларидан бири фуқаро ёки тадбиркорнинг мансабдор шахс билан беvosита мулоқотида юзага келади. Айнан шу омилни бартараф этиш мақсадида бошқарма фаолиятида давлат хизматларини босқичма-босқич рақамлаштириш ишлари жадаллаштирилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни техник кўрикдан чиқариш ва тракторчи-машинист гувоҳномаларини расмийлаштириш жараёнлари тўлиқ электрон тизим асосида амалга оширилмоқда. Бу эса ортиқча ҳужжатбозлик, сунъий тўсиқлар ва инсон омилнинг таъсирини сезиларли даражада камайтирди.

Назорат тадбирларининг ҳолислиги ҳам коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим шартларидан саналади. Шу мақсадда инспекторлар томонидан ўтказиладиган текширувлар ва лаборатория хулосалари махсус электрон платформаларда реал вақт режимида қайд этиб боришмоқда. Натижада текширув якунларини ўзгартириш ёки яшириш имконияти амалда бартараф этилмоқда. Бу эса назорат тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Коррупциянинг олдини олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунга қўра, бошқарманинг ходимларига ўз яқин қариндошларига тегишли агрокластерлар, фермер хўжаликлари ва уруғчилик корхоналарида назорат тадбирларини ўтказиш қатъиян тақиқланган. Ички комплекенс-назорат тизими бундай ҳолатларни доимий мониторинг қилиб, қонун талабларини бузган ходимларга нисбатан тегишли чоралар қўришни таъминлашмоқда.

Бугун коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқбузарликларни аниқлаш билан чекланмайди. Асосий мақсад — давлат хизматларини замонавий, очик ва адолатли тамойиллар асосида ташкил этишдир. Шунинг ҳисобига олган ҳолда бошқармаимизда амалга оширилаётган рақамлаштириш, электрон назорат ва комплекенс тизими айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Зеро, қишлоқ хўжалигида ҳалоллик ва қонунийлик устувор бўлса фермер ва тадбиркорларнинг давлат идораларига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

СОДИК САДИКОВ,
Агроинспекциянинг Тошкент
вилояти бошқармаси бошлиғи

Миллий матбуот марказида “Инновациялар амалда: ОКМК фаолиятида сунъий интеллект имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Олмалик кон-металлургия комбинати масъул ходимлари корхонада рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги режалар ҳақида маълумот беришди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг март ойида давлатимиз раҳбари комбинатга ташрифлари давомида берган топшириқлари асосида сунъий интеллектга асосланган дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўлими ташкил қилинди ва ОКМК халқаро “AI Alliance” ташкилотига аъзо бўлди.

Бугунги кунда комбинатда рақамли кон ва геология, башоратли диагностика ва хавфсизлик, интеллектуал кон-транспорт тизими, корпоратив бошқарув ҳамда завод ва фабрикаларнинг “виртуал нусхалари” каби қатор инновацион ечимлар муваффақиятли қўлланилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, анжуман давомида комбинатда ҳозирда 30 га яқин сунъий интеллект лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани, геологик маълумотларни

▼ Матбуот анжумани

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ — ИНСОННИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ



тахлил қилиш, бурғилаш ва портлатиш ишларини оптималлаштириш, темир йўл инфратузилмасини мониторинг қилиш ҳамда бойитиш фабрикаларида “Машина кўриш” технологиясини жорий этиш бўйича ишлар давом этаётгани таъкидланди.

— Бугунги кунда саноатда рақобатбардорлиқни таъминлаш фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан эмас, балки интеллектуал технологияларни қанчалик самарали қўллаш олиш билан ҳам белгиланади, — дейди 3-Мис бойитиш фабрикаси директорининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Одил Файзуллаев. — Шу боис комбинатда рақамли трансформацияни алоҳида лойиҳа эмас, балки корхонанинг узoқ

муддатли ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми сифатида қўялмиш. Энг муҳими, сунъий интеллект инсон меҳнатининг ўрнини эгаллаш учун эмас, балки мутахассисларнинг имкониятларини кенгайтириш, қарор қабул қилишда аниқлиқни ошириш ва ишлаб чиқаришдаги хавфларни камайтириш учун хизмат қилиши керак. Шу тамойил асосида барча лойиҳаларимиз босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Тадбирда ОКМК томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган рақамли тизимларнинг 16 тасига Адлия вазирлигининг муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олингани маълум қилинди.

Матбуот анжумани якунида иштирокчиларга комбинатнинг рақамли трансформация бўйича истиқболдаги режалари тақдим этилди ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари рақамли трансформация батафсил жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз
Меҳридин ИБРАГИМОВ
олган сурат

СУВНИ ТЕЖАГАН БАРАКА ТОПАДИ

Бугун сув ҳақида гап кетганда, энди фақат ариқ ёки каналнинг тозаллигини эмас, ҳар бир томчининг қадри ҳақида ўйлашга тўғри келмоқда. Сабаби, сув тақчиллиги дунё миқёсидаги муаммага айланган.

▼ Семинар

Кеча фермернинг асосий ташвиши ерни сугориш бўлса, бугунги кун талаби сувни исроф қилмай, ҳар бир экин тагига етказишдир. Ана шундай самарали ечимлардан бири эгилувчан қувурлардир.

Дарҳақиқат, эндиликда эгилувчан қувурлар фермернинг ишончли ёрдамчисига айланмоқда. Бир қарашда оддий қувурдек кўринади. Аммо унинг самараси жуда катта. Илгари сув ариқларда оқиб, йўл-йўлаккай ерга сингиб ёки буғланиб кетган бўлса, бугун у тўғридан-тўғри экин қаторига етиб бормоқда.

Яқинда Бўка туманида ўтказилган амалий семинарда айнан шу масала муҳокама қилинди. Сув ҳўжалиги вазирлиги масъуллари, “Чирчиқ — Охан-

гарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарияти, мутахассислар ва фермерлар эгилувчан қувурларнинг афзалликларини амалда кўришди. Қандай қилиб сув тежалади? Қандай қилиб сугориш тезлашади? Фермернинг харажати қанчага камаяди? Семинарда ана шу саволларга жавоб берилди.

— Туман бўйича 4 минг 768 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди, — дейди Бўка тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси раҳбари Наврўз Дусанов. — Шундан, 1 минг 102 гектар ер томчилатиб, 214 гектари ёмғирлиб, 80 гек-

тари дискрет усулда, 580 гектари эгилувчан қувурлар орқали сугорилади.



Дарвоқе, фермерлар нима учун эгилувчан қувурларни танлашпти? Бунинг жавоби оддий:



сув тежалади, меҳнат енгиллашадди, сугориш вақти қисқаради. Энг муҳими, ҳосил сифатли бўлади.

Шунинг учун ҳам Қуйи Чирчиқ, Бўка, Чиноз, Оққўрғон ва Бекобод туманларида бу технологияга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Қуйи Чирчиқ туманидаги «ТТГ Агро» МЧЖнинг бир йўла 10 донга эгилувчан қувур харид қилгани бошқа фермерларни янада қизиқтириб қўйди.

— Бугунги кунда сувни тежаш

танлов эмас, эҳтиёжга айланмоқда, — дейди “Чирчиқ — Охангарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Қўрбанов. — Иқлим ўзгариб бораётган бир пайтда ҳар бир томчи сувнинг қадри ортмоқда. Шунинг учун фермерларимиз замонавий технологияларни кенг жорий этишларига алоҳида эътибор қаратялмиш. Эгилувчан қувурлар бу борада энг самарали ечимлардан бири. Амалиёт учини кўрсатмоқда, бу технология орқали сув исрофи камаяди, сугориш сифати яхшиланади, фермернинг вақт ва харажати тежалади. Буни яхши англаган фермерлар ўзлари ташаббус кўрсатиб, эгилувчан қувурларни харид қилишмоқда. Бу эса фермер ва деҳқонларнинг сувдан оқилона фойдаланиш маданияти шаклланаётганини кўрсатмоқда.

Аслида сувни тежаш ҳақида қўл гапириш мумкин. Аммо натижа гапда эмас, амалда бўлади. Зеро, сув тежалган жойда барака бўлади.

НИГОРА ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Муаллиф олган суратлар



▼ Ёшлар ижоди

Зикрилла МУҲАММАД 1999 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби тумани Майманоқ қишлоғида туғилган. ЎзЖОК битирувчиси. "Зомин – 2021" семинари иштирокчиси. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Биринчи китобим" лойиҳасида "Умидли дунё" насрий китоби чоп этилган.

Тун. Қишлоқ кезамиз... Онам ухламай ку-тади.

– Келдим, – дейман.
– Яхши келдингми, ўғлим? – дейди.
– Ухламадими? – сўрайман.
– Энди-да... – дейди.

Кечгача суҳбат кураимиз. Менинг ёруғ келажигимни гаплашамиз.

– Она, тузалаписми? Ҳолингиз яхши-ку, а?

– Билмасам, тузалапман шекилли...

– Она, – дейман аста тиззасига бошимни қўйиб. – Ўлмайсиз, а?

Яна тўп тепишга кетаман. Келаман. Онамни кўрмоқчи бўламан. Кўрсатишмайди. Ёнига ҳеч кимни қўйишмайди.

Уч кунми-тўрт кундан кейин ҳовлини одам босди. Онам ўлганини айтишди. Ишонгим келмасди. Нега? Нега, ахир? Мен ҳали ёзувчи бўлмадим-ку!..

Йиллар ўтади. Онамни соғинаман.

Тошкент... Меҳрибон шаҳар. Бош силар шаҳар. Бағрини очади. Умр ўтаверади. Тошкент кўчаларидаги ижара уйларнинг бири бағрини очар, бири кузатар. Бари меҳрибон гўшалар... Мен улардан миннатдорман.

ОНАМ КЎРМАГАН РОМАН

– Ўладиган аҳмоқ борми? Сенинг яхши одам бўлганингни кўришми керак...

Мен унга ишонаман. Ҳали ёзувчи бўламан. Онам мен билан фахрланади.

– Мен ҳали телевизорларга чиқаман. Ўшанда сиз ҳақингизда айтаман...

Ширин орзулар-ла кўз илинади. Кундузи яна ошналар билан тўп тепгани кетаман. Онамнинг ҳоли оғирлаша бошлади.

Август охирлари. Пешинда аллақайқдан келдим. Отам айтди:

– Юр, онанг сени сўраяпти...

Кирдим.

– Келдингми? – деди табассум қилиб. – Қаерларда юрибсан, болам, онамни йўқлай демайсан-а? Мен сени соғиндим-ку...

– Келдим, – дейман.

Қўлларимни сиқади.

– Улим, – дейди оҳиста кафтимни силаб,

– агар эртага уйғонмасам, мендан рози бўлгин, хўп... Мен сендан розиман...

Кўзим жикқа ёшга тўлади.

– Она, ўлмайман дегандингиз-ку! Алдаманг. Мен ёзувчи бўлганим йўқ-ку, ҳали. Ёш бола бўлсам...

– Ўзингни эҳтиёт қил... Отанг, опаларингга тайинладим. Мендан кейин Зикриллани эҳтиёт қилинлар, дедим. – Кўз ёшини артади. – Албатта, орзуларимизни амалга оширин. Сенга ишонаман...

Тинмай йиғлайди. Мен тушунмайман. Нега йиғлаяпти.

– Сизам мендан рози бўлинг...

Мен ишонмайман. Онам ўлиши мумкин эмас. Мен эндигина бир мучалдан ошганман.

Ишонаман. Ҳали онам соғаяди. Мени яхши кунларимни кўради.

Хаёлимда бир гап кечади:

Мен ўқишми керак, ёзишми керак! Бир куни отамдан сўрашибди.

– Тошкентдаги улинг нима қиляпти, ўзи? Бор-йўқлиги билинмайдиям. Тайинли бир иш қиляптими? – Ҳаммасининг кўзиде истеҳзо.

Отам уларни кузатибди, пичинг қилишаётганини сезибди.

– Билмасам, нима қиляпти. Лицейда ўқияпти.

– Билими борми?

– Бордир. Исмини хато билан ёзади...

Улар севинишади, яйрашади.

Кунлар ўтаверди. Ёзувчи бўлиш ишқи аланга олаверди.

– Ёзиш керак, – дейди отам. – Катта асарлар ёзиш керак. Боя устозинг Шарофиддин Тўлагановни кўрувдим. Сени сўради. "Ёзсин, катта асар ёзсин. Албатта кўтарилади", деб айтди.

Отамнинг ошналари хайрихоҳ. Мени ёзишмни, ютуғимни, отамнинг севилишини ишташди. Мен шулар орасида ўзимни эркин ҳис қиламан.

Шундай кез отамга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан уй беришди. Меҳрибон ижара уйлар билан хайрлашамиз. Ўз ошенимизга кетамиз. Худо менга илҳом беради. Илк катта асаримни ёза бошлайман. Номини "Ор" қўяман. Буни қисса атайман. Ўзимга ёқади. Йигирма яшар йигитнинг қўлидан келгани шу-да! Ичимдан овоз келди, энди ёзувчисан. Йўқ, деди ичимдаги қайсар йигит. Бу даъво – катта даъво.

Бир куни ийманиб қўшнимиз, устоз Мансур Жумаевага бераман. У севилади. "Ўқиб кўриб жавобини айтаман", дейди.

Шу йили Зомин семинарига бориш насиб қилди. Бу мен учун катта адабиёт сари очилган эшик бўлди. Устозлар даврасида кўп нарсани англадим. Нурилла Чори, Жавлон Жовлиев, Маъмура Зоҳидова, Шойим Бўтаев каби самимий устозларнинг маслаҳатлари мен учун катта мактаб бўлди. Орадан кўп ўтмай, "Биринчи китобим" нашрдан чиқди. Отам эса фахр билан: "Улим ёзувчи бўлди", дерди.

Бисмилло, деб катта асарга қўл ураман. Худо илҳом беради. Ёзгим келади. Ишу ўқишдан ортмайман. Чўзилади. Мухими гоё бор.

Шундай кез "Jadid" деган газета очилганини айтишди. Раҳбари сеvimли шоиримиз Иқбол Мирзо эмиш. Иш сўраб бордим. Бу инсон мени очик чеҳра билан, самимий қаршилади. Қабул қилиндим... Шу билан янги муҳит, янги жамоа... "Jadid"да том маънода ижодий руҳ бор. Бу ерда ишлаб ёзмаса бўлмайди. Ўша бошлаб қўйган катта асарим устида ишлай бошладим.

Шу кез замонамиз илгори, хурфикир бош

– Менга ташлаб бер, ўқиб кўрай, фикримни айтаман...

Жуда сеvimдим. Шу гапнинг ўзи менга етарли. Устоз – катта одам. Вақти зиқ. Ўқишга фурсат топиши қийин. Барибир кўнглим тоғдай кўтарилди. Қоғозга чиқариб бериш ҳам хаёлга келмабди. Одам шошганда шундай бўлади... Бир-икки кундан кейин устозни кўрдим.

– Романингни ўқий бошладим. Бошланиши яхши...

Тагин кўнглим тоғдай ўсди. Минг истеъдодли бўл, имконият ва қўллаб-қувватлаш бўлмаса, бир пул. Уйлайман, иқтидорли бўласанми бошқами, яхши одамлар, яхши устозлар керак экан. Ана шунда кўкарасан. Терси бўлса ё ўсмайсан, ё тарвақайлаб кетасан. Худо мени яхши одамлар, меҳрибон устозлар билан сийлади.

Шўкр, Латиф ака: "Газетанинг кейинги сониде романингиздан парча бермоқчимиз", – деб ёзворибди. Бир сеvimдим. Ахир, бу бахт-ку! Ҳали ҳеч қаерда чиқмаган романим бугунги кунда зиёлилар минбари "Jadid" саҳифасида. Ишониб-ишонмайман... Нашрнинг навбатдаги сониде парча берилди. Расман энди романим ёздам дея оламан. Хоҳлашса танқид қилишин, хоҳлашса мақташин. У ўқувчига тан. Борича ёздам. Кўнглимга келганини ёздам. Ўзбек аёли орзуларини улуғлаб ёздам...

– Раҳмат, ўғлим. Армонларимни ушлатирганинг учун, – отам дуо қилади.

Негадир кўнглим бузилади. Кўзимда ёш айланади. Онам хаёлимга келади. Унга берган ваъдаларимни эслайман. Бугун ушларнинг бир қисмини бажардим, онажон. Мени ёзувчи деб газетада суратим билан романимдан парча беришди. Мен бугун тан олиндим. Бугун ўз-ўзимни тан олдим.

...Бугун ортимга қарасам, босиб ўтилган йўлларимнинг ҳар бир изида онамнинг дуоси, отамнинг ишончи, устозларимнинг меҳри ва Яратганининг марҳаматини кўраман. Мен ўн ёшда онамга: "Ёзувчи бўламан", деб ваъда берган эдим. Бугун шу ваъданинг илк меваси қўлимга тутилди. Аммо бу қувончнинг бир чеккасида ҳеч қачон битмайдиган бир армон ҳам бор.

Мен болалигимдан ҳар бир ёзган ҳикоямни, ҳар бир муваффақиятимни энг аввало онам билан баҳам кўришни орзу қилганман. Кейинроқ эса катта-катта қиссалар, романлар ёзиб, уларни онамнинг қўлларига бериб, қўзларидеги гурур ва қувончни кўришни хаёл қилардим. Афсуски, тақдир бу бахтни онажонимга раво кўрмади. Менинг романларим, китобларим, эришган ютуқларимни у киши кўролмади.

Аммо ишонаман... Онамнинг дуоси хануз мен билан. Ҳар бир ёзган сатримда, ҳар бир асаримда онамнинг меҳри яшайди.

Мен умримнинг охиригача қаламга хиёнат қилмайди. Чунки бу қалам – онамга берилган ваъда, отамнинг умиди ва устозларимнинг ишончидир.

Зикрилла МУҲАММАД,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ТАҲРИРИЯТДАН:
Ёзувчилик – китоб чиқариш ёки роман ёзиш билан эмас, ўқувчининг қалбиде из қолдириш билан ўлчанади. Онага берилган ваъдани унутмаган фарзанд эса қаламга ҳам хиёнат қилмайди.
Тилагимиз: мана шу вафо муаллифнинг энг катта истеъдоди бўлиб қолсин.

▼ Муҳокама учун мавзу

Ижтимоий тармоқларда юртимизда 2027 йилдан бошлаб ишлаб чиқарилганига 30 йил ва ундан кўпроқ вақт бўлган автомобилларни утилизация қилиш мавзуси кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ҳўш, бу лойиҳадан кўзланган мақсад нима? Ушбу жараёнда машина эгаси жабрдийда бўлиб қолмайдими?

Аввало таъкидлаш лозимки, автомобиллар билан боғлиқ экологик ва техник хавфсизлик масалалари сўнгги йилларда бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам долзарб

давлат рўйхатидан чиқариш, қайта рўйхатдан ўтказмаслик ва фойдаланишни чеклаш бўйича ишлар амалга оширилган. Бироқ, 50 йилдан ошган автомобилларнинг барчаси ҳам ути-

линаётган янги қарор лойиҳаси мазмун жиҳатидан аввалгисига қараганда анча кенг ва тизимли ёндашувга асосланган. Унга кўра, ишлаб чиқарилганига 30 йил ва ундан ортқ бўлган автомобиллар учун алоҳида тартиб жорий этиш таклиф қилинмоқда. Бу ўзгариш оддий техник мезон эмас, балки мамлакат автомобил тузилмасини янгилаш, экологик хавфсизлиқни кучайтириш ва қайта ишлаш тизимини йўлга қўйишга қаратилган комплекс ис-

Қайд этиш жоиз, бугунги кунда йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари орасида 1996 йил ва ундан олдин ишлаб чиқарилган автомобилларни қўллаб учратиш мумкин. Мутахассисларнинг маълум қилиши-

қилиш учун давлат томонидан рағбатлантирувчи тўловлар ёки солиқ имтиёзлари берилади. Бу тизим, айниқса, 2009 йилда жорий этилган "scrapage bonus" дастури орқали кенг оммалашиб, эски автомобил-

давлатларда транспорт воситаларининг металл, пластмасса, резина ва бошқа компонентлари қайта ишланиб, иқтисодий айланишга қайтарилади. Бу ёндашув нафақат экологик юкларини камайтиради, балки янги саноат йўналишларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шу томонлама юртимизда таклиф этилаётган тизимни ҳам айланма иқтисодиёт тамойилларига яқинлашиш сифатида баҳолаш мумкин.

Бундан ташқари, масаланинг ижтимоий ўлчовини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Қўллаб инсонлар учун автомобиль шунчаки транспорт воситаси эмас, балки даромад манбаи, кундалик тирикчилик воситаси ҳисобланади. Такси хизмати, юк ташиш ёки қишлоқ ҳудудларидаги ҳаёт тарзини автомобилсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ҳар қандай исплохот иқтисодий мақсадлар билан бир қаторда аҳолининг реал имкониятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин.

Мухтасар айтганда, муҳокама қилинаётган мавзунинг фақат эски автомобилларни муомаладан чиқаришга қаратилган техник чора сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Бу – экология, иқтисодиёт, саноат ва ижтимоий манфаатлар кесилган мураккаб исплохот жараёнидир. Унинг самараси эса, энг аввало, амалга ошириш механизмларининг адолатлилиги, компенсация тизимининг шаффофлиги ва босқичма-босқич жорий этилишига боғлиқ бўлади.

Зеро, эски автомобиллар масаласи аслида темирнинг эмас, балки жамиятнинг тараққиёт модели, иқтисодий имкониятлари ва келажакдаги ривожланиш йўналишини танлаш масаласидир.

Суҳробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

Эски автомобиллар утилизацияси:

ЭКОЛОГИК ЭҲТИЁЖ (МИ?..)

мавзулардан бирига айланмоқда. Айниқса, автоуловлар сони ортиб бораётган бугунги шароитда уларнинг атроф-муҳитга таъсири, ёнилги сарфи ва техник хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ана шундай бир пайтда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан ишлаб чиқарилганига 30 йил ва ундан ошган автомобилларни давлат томонидан бозор нархида сотиб олиш ҳамда утилизация қилиш бўйича Президент қарори лойиҳаси муҳокама учун эълон қилинди.

Ушбу мавзу биз учун янгилик эмас. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан 2026 йил 1 февралдан бошлаб ишлаб чиқарилганига 50 йил ва ундан ортқ бўлган транспорт воситаларини

лизация қилингани йўқ. Улар орасидан тарихий ва коллекцион аҳамиятга эга бўлган транспорт воситалари учун истисно тартиби белгиланган.

Шундай бўлсада, йил бошида "отaxon" машиналарни утилизация қилиш жараёнларида улов эгасининг аҳоли, унга қандайдир компенсация бериш каби омилларнинг ҳисобга олинмагани автомобилдан айрилганлар орасида иқтисодий кемтикликларни келтириб чиқаргани бор гап. Шу нуқтаи назардан бу галги утилизация жараёни кўпчиликнинг хавотирига сабаб бўлмоқда. Боиси, рўйхатдан чиқиши мумкин бўлган машиналар қаторида "Тико", "Жигули", "Нексия-1" ва "Дамас" автомобилларининг илк намуналари ҳам бор.

Бироқ, бугунги кунда муҳокама қи-

лоҳот сифатида баҳоланмоқда. Янги тизимнинг аввалги ёндашувдан энг муҳим фарқи шундаки, у фақат чеклов эмас, балки иқтисодий рағбат ва компенсация механизмларини ҳам ўз ичига олади. Лойиҳага мувофиқ, утилизация қилинадиган автомобиллар бозор қийматида баҳоланиб, эгасидан сотиб олиниши ва нақд пул кўринишида компенсация ёки электрон ваучер берилиши назарда тутилмоқда. Ушбу ваучер маҳаллий ишлаб чиқарилган янги автомобиль харид қилишда бошланғич тўлов вазифасини бажариши мумкин. Шу билан бирга, утилизация жараёнини ташкил этиш, транспорт воситаларини қайта ишлаш ва электрон платформа орқали бошқариш тизимини яратиш ҳам режалаштирилган.

ча, бу ҳолат нафақат экологик юкларни оширади, балки йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳам беvosита таъсир кўрсатади. Шу сабабли автомобилнинг фақат ёши эмас, балки унинг техник ва экологик ҳолати ҳам муҳим мезон сифатида қаралиши зарур экани таъкидланмоқда. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, "ёши ўтган сари" транспорт воситасининг эскириши табиий жараён бўлиб, бу ҳолатни тизимли тартибга солиш зарурати юзага келади.

Жаҳон тажрибасида эскирган автомобилларни муомаладан чиқариш ва қайта ишлаш тизими аллақачон кенг йўлга қўйилган. Масалан, Германияда эски автомобилни топширган фуқарога янги экологик тоза транспорт воситасини харид

лар сонини сезиларли даражада камайтирган.

Японияда эса автомобилнинг бутун ҳаётий цикли қатъий назорат қилинади. Маҳбурий техник қўриқлар ва экологик стандартлар натижасида эскирган транспорт воситалари босқичма-босқич утилизацияга йўналтирилади. Бу жараёнда автомобиль қисмлари қайта ишланиб, саноатда иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилади.

Франция ва Буюк Британияда ҳам эски автомобилларни муомаладан чиқариш учун экологик бонус тизими жорий этилган бўлиб, фуқаролар эски транспорт воситасини топшириш орқали электр ёки гибрид автомобиллар харидига субсидия олиш имкониятига эга бўлади.

Қўрииб турибдики, ривожланган



“Қизилсой”лик болаларга тухфа



Тадбирда сўз олган туман ҳокими мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш, фарзандларимиз учун замонавий ва хавфсиз таълим муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, қизилсойликларни фарзандлари энди янги боғчада тарбияланишлари билан табриклади.

Таъкидланганидек, мазкур давлат мактабгача таълим ташкилоти инвестиция дастури доирасида 4,4 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилди. Қурилиш ишлари «Elmurod qurilish servis» МЧЖ томонидан сифатли амалга оширилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мактабгача таълим ташкилотиде тарбияланувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир гуруҳ хонаси замонавий дизайнда жиҳозланган.

Маълумот учун, бугунги кунда Юқори Чирчиқ туманида жами 107 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Шундан 17 таси давлат, 5 таси давлат-хусусий шерикчилик асосидаги, 18 таси хусусий ва 67 таси оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир. Худуддаги 12 минг нафар боланинг 9 минг 960 нафари, яъни 82,3 фоизи мактабгача таълим билан камраб олинган.

Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Шарифжоннинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Бир гапдан қолганида олам гулистон эди-ю, лекин тўғрисиёзиги, чўрткесарлиги бунга изн бермади. Алами Уроқчадан: унинг ёнини оламан деб бошлиғи Мардон Хусенович билан тескари бўлиб қолди. Уроқча андишага бориб ўтиради-ганлардан эмас, эртасигаёқ Мардон Хусенович билан алоқ-чапоқ бўлиб кетди. Шарифжон эса юзи шувут кишидек елка қисиб юрибди. Унинг наздида Уроқча – қора мушук: Шарифжон билан бошлиқ ўртасидан кесиб ўтдию энди ҳеч нарса бўлмагандек кекириб юрибди.

Режа бўлимидаги Бобўсин ака пенсага кетса, ўрнига Шарифжон бўлим бошлиғи бўлади, деб юришувди. Мардон Хусенович билан муносабатни бузилиши бу гапларни чиппақа чиқарди.

Уроқчанинг шашти баланд, хойнаҳой бўлимга шу бошлиқ бўлади-ёв, – деган гап Шарифжонга малол келди. – Яна ким билади дейсиз, Мардон Хусеновичнинг ўзи ҳам қимирлаб қолган: юқори билан келишолмаётган экан.

Шарифжоннинг кўксига оғриқ пайдо бўлди. Аста-секин баданини кемираётган бу дардни ҳеч кимга

айта олмасди. Юриш-туришида ҳаловат йўқолди. Оғриқнинг зўриданми, кундан-кунга ранги синийиб, кўзлари киртая борди. Бўлар-бўлмасга асабийлашадиган, кечиккан кишининг совуғдай гаплари ҳам хунук ашитиладиган бўлди. Уйдагиларни-ку кўз очиргани кўймайди.

– Дадаси, – деди хотини Лобар бу ҳолдан тоқати тоқ бўлиб, – сизга нима бўлган ўзи? Мен-ку дўку пичингларингизга кўникиб қолганман. Охи бу болаларга зарда қилганингиз нима! Бирор нимадан сиқилаётган бўлсангиз, мана менга айтинг, кўнглингиз ёзилади. Ҳамма нарсани ичингизга ютаверсангиз, ўзингизни ўзингиз еб қўясиз-ку!

Шарифжон бир сасиб бермоқчи бўлдию, яна шаштидан қайтди. Ўйлаб қараса, хотинининг гапида жон бор-да, хай! “Ўзингга ўзинг қилдингми, айбни бировга тўнкама!”

– Бошлиқ билан орамиз сал бузилиб қолди, – деди у чуқур бир сўлиш олиб. – У ёққа ўтсам ўпоқ, бу ёққа ўтсам сўпоқ дейди, айб қидиргани қидирган.

Хотинлар гапга тез хулоса ясайди. – Эй, ўнта панжангизда ўнта хунарингиз бор! – деди Лобар чўрт кесиб, – кўчада қолиб кетмайсиз. Бўшанг, жон халос, бетини кўрмайсиз!

Шарифжон сермулоҳазали эмасми, шайтонга ҳай берди.

– Нималар даялсан, мен ўз ишимни яхши кўраман. Ундан кейин дарахт бир жойда кўкаради.

Шарифжон чуқур хаёлга берилди. Олманинг бир палласи зада еса, иккинчи палласи ҳам озор чекади.

– Биламан, – деди хотин ўзича бир нималарни чамалаб. – Сиз ирим-сиримга ишонмайсиз. – Ишонганимда нима ўзгаради?

– Ўзгаради-да, – деди хотин эрининг мойиллигини сезиб, –

либ. – Мен айтган жойимга бориб келдим.

– Хўш, нима бўлибди шунга? – деди Шарифжон хотини амал-тақал қилиб ёқиб келган умид шабини ўчирмоқчи бўлиб. Хотин кичкина қозога ўралган нарсани эрининг олдида қўйди.

– Нима бу? – деди эр ўроғ-лиқ қозога қўлини бигиз қилиб. – Носми?



Ўша казо-казоларингиз борадиган. Паричани менам биламан. Ушанга бориб дуои хайр ўқитиб келсам, йўлингиз очилиб кетармиди...

– Қўйсанг-чи шу ишингни. – Ана айтмадимми, сиз ишонмайсиз!..

Шарифжон эртаси куни ҳам дили-дунёси хуфтон бўлиб келди.

– Ўтиринг қани бу ерга, – деди Лобар эрига астойдил ачинган бў-

– Қанақа нос? Шакар бу!

– Шакар?

– Ҳа, шакар. Парича ана шу шакарга дам солиб берди.

– Ҳали шуни бошлиғига қанд-чой қилиб берсин, дегандир?

– Йўлим очилсин, десангиз, бундан бошқасини ҳам қиласиз... Йўқ, ўтадиган йўлагига сепасиз. Бошлигингиз шакарни босиб ўтса, кўнгли ийиб, сизга нисбатан меҳри ошади.

– Эй қўй-ей, – деди Шарифжон беўхшов жилмайиб. – Мен қандай қилиб Мардон Хусеновичнинг йўлига... Кўрганлар нима деб ўйлайди?

– Ҳа, энди бир йўлини қиласиз-да.

– Бўлмайдиган иш бу!

Хотин минг қилса-да, эрини кўндиролмади. Охири ўзича йўл тутди...

Эртаси куни Шарифжон йўлақда кета туриб, беихтиёр ўнг қўлини шимининг чўнтагига солди. Чўнтақда нимадир бор эди. Ундан бир ховуч кафтига олди. Қараса, шакар.

“Барибир айтганини қилиб-

қир-чи! Сен билан гаплашиб олмасам бўлмайди.

Шарифжон гуноҳ устида қўлга тушгандек қизарди, бўзарди. Ноилож бошлиқнинг хонасига кирди.

– Шакарни нима қилмоқчи эдинг? – зугумга олди бошлиқ. – Ниятинг нима эди ўзи?

– Ҳеч қанақа ниятим йўқ, – деди Шарифжон қўлидаги намланаётган шакарга қараб. – Шунчаки чўнтагимга қаердандир келиб қолибди-да, шуни...

Шарифжон энди бор гапни тушунтирмоқчи эди. Мардон Хусенович аксириб юборди.

– Соғ бўлинг, – деди Шарифжон шоша-пиша.

– Ра-раҳ... – аксириш яна такрорланди, – мат!

Мардон Хусенович лаб-лунжани артаман деб чўнтагига қўл тиккан эди, дастурломчаси қаттида шакар стол устига сочилиб кетди. У ҳеч нарса бўлмагандек столдаги шакарни кафтига сидириб олди ва Шарифжонга ўқрайди:

– Мен ҳозир шошиб турибман, – деди бошлиқ. – Катта қақирган, бормасам бўлмайди. Шу кўнларда гапимиз гапимизга қовушмай юрибди. – У чап қўлидаги шакарни ўнг қўлига шопирди. – Мен бу шакарни каттанинг йўлига сочиб келай, иннайкейин сенинг шакаринг масаласида бафуржа гаплашамиз. Энди, қани, бор ишингга...

Шарифжон йўлакка чиқиб қараса, азбаройи хижолатпазликдан терлаб кетган кафтидаги шакар шира бўп кетган эди...

Илҳом ЗОЙИР

Таътил фақат дам олиш дегани эмас



BARKAMOL AVLOD oromgohiga XUSH KELIBSIZ!



умумтаълим мактаби ўз имкониятлари, моддий-техник базаси ва педагоглар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда кундузги соғломлашти-

риш майдончалари фаолияти учун мустақил дастурлар ишлаб чиққан. Бу эса ҳар бир ҳудудда болаларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос машғулотларни ташкил этиш имконини бермоқда.

Ўз мухбиримиз

Моҳият

Болаларингизнинг ақлли бўлишини хоҳласангиз, уларга эрта китоблар ўқиб беринг. Уларнинг янада ақлли бўлишларини истасангиз, кўп китоб ўқингизга ўргатинг.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Шакар

(Ҳажвия)

ди-да”, деди бошини тебратаркан. Шу хаёл билан Мардон Хусеновичнинг хонасига яқинлашган экан, бирдан эшик очилди. Шарифжон шошганидан ўнг қўлидаги шакарни чап қўлига олиб, бошлиқ билан кўришди.

– Қўлингда нима? – деди Мардон Хусенович. – Менинг эшигим олдида нима қиялсан?

– Ҳеч нима, – Шарифжон қаловланиб қолди. – Шунчаки чўнтагимга қўл солсам...

– Хўш, нима бор экан?

– Шакар, – деди Шарифжон чап қўли кафтини очиб кўрсатаркан.

– А-ҳа, – деди Мардон Хусенович пастки лабини тишлаб. – Иш жиддийга ўхшайди. Қани, ичкарига

TOSHKENT HAQIQATI

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G’afurjon MUHAMEDOV,

Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,

Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,

Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,

Otabek SULTONBEKOV, G’ayrat SHERALIYEV,

Kumush EGAMBERDIYEVA,

Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

To’xtamurod HASANBOYEV

Navbatchi:

Nozima RASULOVA

Ekspositor:

Behruz NURBOBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 20:20. Nashr ko’rsatkichi – 205.

7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa

aktsiyadorlik

kompaniyasi

bosmaxonasida

bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon

ko’chasi, 41-uy.